

2022 йил «05» январь

Жиззах ш

Жиззах вилоят « **МАТБУОТ ТОНГИ** » масъулияти чекланган жамияти (кейинги матнда «Таминотчи» деб номланади) раҳбари А. Журакулова тимсолида, жамият Низомига таянган холда бир томондан

Дўстлик мушарраф халқ таълими бўлими  
Тимсолида иккинчи томонидан (кейинги матнда «обуначи» деб номланади) Ушбу шартномани туздилар

### 1. Шартнома шартлари.

1.1 «Таминотчи» «Обуначи» ни талабига кўра Республика ва хорижий давлатларда Чоп этиладиган,

«Таминотчи» нинг Каталогига киритилган даврий нашрларга 2022 йил учун обуна қабул қилади.

1.2 «Таъминотчи» даврий нашрларни «Обуначи» нинг жойлашган манзилгоҳига етказиб беради.

### 2. Обуна қабул қилиш ва тўлов шартлари.

2.1 Обуна нашрларига тўлов обуначига маъқул тарзда (пул кўчириш, пластик карточка орқали, нақд

пул) олдиндан 100 % миқдорда амалга оширилгач обуна расмийлаштирилади.

2.2 Даврий нашрларга шартноманинг ажралмас қисми бўлган МТ-16 шакл буюртма варақаси тўлдирилади.

2.3 «Таминотчи» нинг ҳисоб рақамига пул келиб тушгандан кейин «Обуначи» томонидан хар ойнинг 20- санасигача обуна расмийлаштирилади, акс холда «Таминотчи»нинг ҳисоб рақамида сақлаб турилади.

2.4

Шартнома суммаси	ҚҚС(НДС) суммаси	Шартнома умумий суммаси
21 439 130.43	3260869.57	25000000

### 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1 «Таминотчи»- «Обуначи» га обуна нашрларини ўз вақтида абонименда келтирилган манзилга

етказиб берилишини таъминлайди.

3.2 Абонименда «Обуначи» томонидан нотўғри манзил берилган холда (Обуначи) «Таминотчи» га

1 ой муддатида муружат қилиб, манзилни тўғри берилиши шарт. Тўғри манзил берилмаган холда

«Таминотчи» жавобгар бўлмайди, нашрларни ўз манзилида сақлайди.

3.3 «Обуначи» ўз вақтида етказилмаган нашрлар ҳақида «Таминотчи» ни бир ҳафта ичида хабардор

этади

«Таминотчи» уз вақтида ушбу ҳолга аниқлик киритиб етказилишини таъминлайди.

3.4 «Таминотчи» обуна қилинган нашрларнинг чиқмаган сонлари ёки нашрларнинг кечикиб келиши

юзасидан жавобгар бўлмайди.

3.5. «Обуначи» манзили ўзгарган ҳолларда «Таминотчи»га камида бир ҳафта олдин ёзма равишда

хабар беради ва абониментга ўзгартириш киритилади.

#### **4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ**

4.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда "Томонлар" коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

4.2 "Томонлар" коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки телефон орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ун) иш кунни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

4.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

4.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

5.1 Хизматлар бажарилмаган ҳолларда «Таминотчи» «Буюртмачига» кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня сўммаси кўрсатилган хизматлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги керак.

5.2. Кўрсатилган хизматлар ҳаққини ўз вақтида тўламаганлиги учун «Буюртмачи» «Таминотчига» кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня сўммаси тўлов сўммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3 Неустойка тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **6. Шартноманинг амал қилиш муддати..**

6.1 Ушбу шартнома имзоланган кунидан бошлаб обуна қилинган нашрларни тўлик олгунча кучини сақлайди. Йил давомида қўшимча расмийлаштирилган обуна учун ҳам ушбу шартнома кучга эга

7.1 бандига асосан ўзгартириш киритилади.

6.2 Бирорта нашр чоп этилмай қолган тақдирда, ушбу нашрнинг обуна бўлган вақтда тўланган пули «Обуначи» нинг хоҳишига асосан ушбу сўμμαга тенг бўлган нархдаги бошқа нашр:



расмийлаштирилади ёки маблаг "Обуначи" нинг ҳисоб рақамига кайтариб берилади.

6.3 Шартнома 2022 йил 31 декабргача ҳақиқий ҳисобланади.

Мазкур шартнома газначилик органларида рўйхатга олининганидан кейин кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

## 7. Форс Мажор.

7.1 Ушбу шартнома шартлари бўйича келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида,

бунинг имкони бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида

ҳал этилади.

7.2 Фавқулотда вазиятлар оқибатида шартнома шартлари бажарилмаса томонлар жавобгарликдан

озод қилинади.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

8.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартишлар қўшимча келишув битими орқали амалга оширилиб, газначилик органлари рўйхатидан утгандан сунг юридик кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормативларига биноан келтирилган зарарни

тулаган ҳолда муддатидан олдин бекор қилиш мумкин.

8.3. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар қўшимча келишув битими орқали амалга оширилади.

## 8. Томонларнинг манзилгоҳлари ва банклардаги ҳисоб рақамлари.

«Таминотчи»

«Буюртмачи»

«MATBUOT TONGI» МЧЖ

Жиззах ш. С.Хамрокулов кучаси, 42-уй

Х/Р 2020 8000 0004 9175 1001

Ипотека банк Жиззах филиали

МФО 00122 ИНН 303 423 032

ОКЭД 47 620 (ОКОНХ 71280)

Тел. 226-69-82, факс 226-69-92

Директор

А Журакулова



Дўстлик тумани Халқ  
МФУ  
Тел/факс 72-335-46-92  
шх\* 10022882157092100075023  
Марказий банк. 201122919

Ташкилот СТИРи: 200999341

МФО 00014

ИФУТ 97600

Газначилик булинмаси номи

Дўстлик тумани газначилик бўлинмаси

ЯГХ: 100022882157092100075023

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси Ҳисоб китоб касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Буюртмачи раҳбари: А. Журакулова

